

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВА ИРОДА ЮНУС ҚИЗИ

**ЭСФЕНВАЛЕРАТГА ТОКСИКОЛОГИК ЖИҲАТДАН БАҲО БЕРИШ
ВА УНИНГ ҲАЙВОНЛАР РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Салимова Ирода Юнус қизи

Эсфенвалератга токсикологик жиҳатдан баҳо бериш ва унинг ҳайвонлар
репродуктив фаолиятига таъсири 3

Салимова Ирода Юнус қизи

Токсикологическая оценка эсфенвалерата и его влияние на репродуктивную
функцию животных..... 23

Salimova Iroda Yunus kizi

Toxicological assessment of esfenvalerate and its effect on the reproductive
function of animals 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВА ИРОДА ЮНУС ҚИЗИ

**ЭСФЕНВАЛЕРАТГА ТОКСИКОЛОГИК ЖИҲАТДАН БАҲО БЕРИШ
ВА УНИНГ ҲАЙВОНЛАР РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/V41 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холиқов Аброр Азамович
ветеринария фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Нийёзов Хаким Бакоевич
ветеринария фанлари доктори, доцент

Юлдошев Соатбой Жиянбоевич
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва
чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «24» 12 соат «15⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14282 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86).

Диссертация автореферати 2020 йил «09» 12 куни таркатилди.
(2020 йил «09» 12 даги № 09 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, вет.ф.н,
доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда республикамизда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг хавфли оқумли, юқумсиз ҳамда инвазион касалликлари кўзгатувчиларини тарқатувчи турли эктопаразитлардан химоя қилиш мақсадида бир қатор замонавий инсектицид препаратлари қўлланилмоқда. Бугунги кунда қўлланилаётган умумий пестицидларнинг 82 фоизини сунъий пиретроидли препаратлар ташкил қилмоқда¹.

Сунъий пиретроидлар (СП) зараркунандаларга қарши таъсиридаги фаолликнинг юқори эканлиги, ташқи муҳитда тезда парчаланиб кетиши, қўллаш бўйича тавсия этилган дозаларда одамлар ва ҳайвонлар организми учун ҳамда атроф муҳит ва унда яшовчи фойдали организмларга нисбатан хавфсиз эканлиги билан ажралиб туради. Бироқ ушбу ксенобиотикларнинг қишлоқ хўжалиги ва ветеринария амалиётида кенг қўлланилиши туфайли улар қолдиқ миқдорларининг атроф муҳитга тушиши оқибатида одам ва ҳайвонларда турли хилдаги захарланишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Сунъий пиретроидлар гуруҳига мансуб препаратлар кўрсатилган дозаларда қўлланилганда организмда захарланишларга хос ташқи клиник белгилар аниқ намоён бўлмаслиги мумкин. Аммо уларнинг ҳайвонлар иммун тизими ва репродуктив фаолиятига кутилмаган салбий таъсирларни кўрсатиш ҳолатлари учраб турибди.

Бундай ҳолатларнинг содир бўлаётганлиги экотоксикантларнинг маҳсулдор ҳайвонлар организмга таъсирини доимий равишда ўрганиш ва ушбу соҳада изланишларни олиб бориш эҳтиёжини туғдиради.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишга йўналтирилган катта масалалар аниқлаб берилган. Ҳусусан, чорвачилик ва ветеринария амалиётида чорва молларини турли касалликлардан химоя қилиш мақсадида қўлланилаётган кимёвий воситаларни кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда қўллаш, юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этишга ва шу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин эканлиги устивор масалалардан бири сифатида эътироф этилган. Ушбу ксенобиотиклар таъсиридан ҳайвонлар организмда, айниқса репродуктив фаолияти онтогенезида юзага келадиган бузилишларни олдиндан аниқлаш ва эртачи ташҳис қўйиш, самарали профилактика тизимини излаб топиш ҳамда ушбу кимёвий антропоген таъсирларга нисбатан организмнинг иммунобиологик чидамлилигини оширишга қаратилган фармакопрофилактик ва фармакотерапевтик даволаш

¹www.vfu.cz/acta-vet/actavet.htm

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш долзарб бўлиб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон, 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон фармонлари ва 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон, 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4554-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сунъий пиретроидларнинг токсикологик таъсир хусусиятларини ўрганиш бўйича жаҳоннинг етакчи мутахассислари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан ҳорижлик олимлардан Yang Wan-qi, M.Ramsan, L.Yongjun, J.Naumovski, L.R.Brown, N.Patro, R.Das, J.D.Doherty, P.K.Gypta, K.Nauman, D.S.Sudakin, Т.Г.Аббасов, В.И.Герунов, О.Т.Куцан, В.В.Заря, Т.Г.Герунов, В.А.Фралов, А.В.Иванов, Г.Г.Галаяутдинова, Н.И.Жаворонков, И.В.Саноцкий, С.А.Кетлинский, Э.К.Рахматуллин, П.А.Солдатов, В.Н.Жуленко, Ю.С.Вовилов, Н.Б.Довгань, Н.Б.Кокшарева, Г.М.Балан, Н.Б.Самбуров, В.Н.Обрывин, А.А.Фидоринлар, мамлакатимиз олимларидан А.Р.Рўзимуродов, У.Я.Узоқов, Ю.М.Рустамов, Н.Н.Ширинов, В.Р.Хаитов, Ю.Салимов, О.Кубаев, Л.Х.Шокиров, Н.А.Новосельцева ва бошқалар томонидан пиретроидли препаратларнинг ҳайвонлар ва паррандалар организмига токсик таъсирининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг заҳарлилик ва ҳавфлилик даражалари, заҳарланишлар токсикодинамикаси ва токсикокинетикаси шунингдек, заҳарланишларга эртачи ташҳис қўйиш ва самарали даволаш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва илмий-амалий аҳамиятга молик натижаларга эришилган.

Бироқ эсфенвалерат пиретроидининг куёнлар организми учун заҳарлилик даражаси, унинг сичқонлар ва куёнлар репродуктив фаолиятига токсик таъсири ҳамда ушбу пиретроиднинг ҳайвонлар озиқалари таркибидаги қолдиқ миқдорларини ўрганиш ва ушбу воситадан ҳайвонлар заҳарланишларининг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда

уни амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари ветеринария илмий тадқиқот институтининг ҚХА-9-027 «Ўзбекистон чорвачилигида пестицидлар қўлланишидан юзага келадиган захарланишларни ва улар таъсиридан кейинги бошқа салбий оқибатларни олдини олиш бўйича» (2015-2017 йй.) ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҚХ-А-ҚХ-2018-219 «Экологик ва техноген омиллар таъсиридан хайвонлар ва паррандалар организмда юзага келадиган паталогиялар, уларни олдини олиш чоралари ва даволашнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий давлат дастурлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Эсфенвалерат пиретроидининг сичқонлар ва қуёнлар организмга ҳамда уларнинг репродуктив фаолияти онтогенезига таъсиридаги захарлилик ва хавфлилик даражасини аниқлаш ҳамда ундан захарланишларнинг фармакопрофилактикаси ва фармакотерапиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар учун ўткир захарловчи миқдор кўрсаткичларини аниқлаш;

эсфенвалератнинг қуёнлар организмдаги токсикодинамикаси ва кинетикасини аниқлаш;

эсфенвалератдан захарланган қуёнлар гўштининг сифати ва истеъмолга яроқлилик даражасини аниқлаш;

тажрибаларда эсфенвалерат билан захарланган қуёнларни даволашда фармакотерапевтик воситалар самарадорлигини аниқлаш;

эсфенвалератнинг сичқонлар ва қуёнларнинг репродуктив фаолиятида кузатилиши мумкин бўлган салбий таъсирларини ўрганиш ва фармакопрофилактик даволаш усулини ишлаб чиқиш;

эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар озиқаси таркибида рухсат этиладиган энг юқори қолдиқ миқдорини тажрибалар асосида аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Самарқанд вилоятидаги қуёнчиликка ихтисослашган хўжаликларга қарашли қуёнлар, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Фармакология, токсикология ва ветеринария санитария экспертизаси ва гигиена» кафедраси лабораториясидаги оқ сичқонлар, эсфенвалерат пиретроидли препарати, АЛ-5 антидоти, иммунитетни шакллантирувчи «Гамавит», «Фоспренил», оксидланишга қарши ҳамда мембраналарни жароҳатланишидан ҳимояловчи «Мексидол» ва фаоллаштирилган кўмир препаратлари.

Тадқиқотнинг предмети. Эсфенвалератнинг захарлилик ва хавфлилик даражаси: сичқонлар ва қуёнларнинг репродуктив фаолияти онтогенезига хавфли таъсир хусусиятлари, эсфенвалератнинг қуёнлар озиқасидаги энг юқори қолдиқ миқдор кўрсаткичлари, ксенобиотикнинг салбий таъсирида сичқонлар ва қуёнлар репродуктив фаолиятида юзага келадиган

бузилишларни олдини олиш мақсадида қўлланилган иммунитетни шакллантирувчи фармакопрофилактик ва заҳарланишларни даволовчи фармакотерапевтик воситалар самарадорлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик, кимё-токсикологик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар организми учун ўткир заҳарловчи миқдор кўрсаткичлари аниқланган;

эсфенвалератнинг қуёнлар организмидаги токсикодинамикаси ва кинетикаси аниқланган;

эсфенвалератдан заҳарланган қуёнлар гўштининг сифати ва истеъмолга яроқлилиқ даражаси аниқланган;

эсфенвалератдан заҳарланган қуёнларни фармакологик воситалар билан даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

эсфенвалератнинг сичқон ва қуёнларнинг репродуктив фаолиятига салбий таъсири аниқланган;

эсфенвалератнинг қуёнлар озиқасидаги руҳсат этиладиган энг юқори қолдиқ миқдори аниқланган;

эсфенвалерат таъсирида сичқон ва қуёнларнинг репродуктив фаолияти бузилишларининг фармакопрофилактикаси ва фармакотерапияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар организмига ўткир заҳарловчи миқдори, ҳавфлилиқ даражаси, токсикодинамикаси ва кинетикаси, ветеринария санитария экспертизаси, заҳарланишлар фармакотерапияси, унинг оқ сичқонлар ва қуёнларнинг репродуктив фаолияти онтогенезига бўлган ўзига хос таъсир хусусиятлари, эктопаразитларга қарши эсфенвалерат асосида тайёрланган инсектицид воситасини қўллашдаги таъсири, эсфенвалератни қуёнлар озиқаси таркибида қабул қилинадиган энг юқори қолдиқ миқдор кўрсаткичлари аниқланган.

Эсфенвалерат пиретроидидан заҳарланишларни бир қатор фармакопрофилактик ҳамда фармакотерапевтик таъсир хусусиятига эга бўлган воситаларни самарали қўллаш усули ишлаб чиқилган.

Кимёвий воситалар ва пиретроидлар таъсиридан ҳайвонларнинг репродуктив фаолиятида, онтогенезида юзага келадиган бузилишларни олдини олиш ва уни даволаш мақсадида бир қатор иммунитетни шакллантирувчи фармакологик воситаларни қўллаш тартиби бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тажрибаларнинг Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҳар йилги апробация комиссияси кўригидан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ва илмий ҳисоботларнинг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, тажрибалардан олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ветеринария амалиётида қўлланилаётган эсфенвалерат пиретроидига токсикологик жиҳатдан баҳо берилган, унинг заҳарлилик ва ҳавфлилик даражаси, заҳарланишларда гўшт маҳсулотларининг ветеринария санитария экспертизаси, ундаги ўзига хос токсик таъсир хусусиятларини мавжуд эканлиги аниқланган ҳамда заҳарланишларни фармакотерапияси ва репродуктив фаолиятида юзага келган бузилишларни фармакопрофилактикаси бўйича қўлланилган воситаларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосини эсфенвалерат пиретроиди ташкил қилган инсектицид воситасини самарали қўллаш таркиби ва қуёнлар озиқасида аниқланган эсфенвалерат пиретроидини қабул қилинадиган энг юқори қолдиқ миқдор кўрсаткичларини ветеринария амалиётида қўллашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий пиретроидлар гуруҳига мансуб бўлган эсфенвалерат препаратининг токсикологик таъсир хусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Ўзбекистон чорвачилигида пестицидлар қўлланишидан юзага келадиган заҳарланишларни ва улар таъсиридан кейинги бошқа салбий оқибатларини олдини олиш бўйича», «Кимёвий воситалар таъсиридан ҳайвонлар организмида юзага келадиган иммун етишмовчиликларини олдини олиш ва даволаш бўйича» ва «Пестицидлар ва бошқа кимёвий токсикантлар таъсиридан ҳайвонлар кўпайиш органларида содир бўлаётган патологиялар ва уларни олдини олиш чоралари бўйича» тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 26 июндаги 02/23-24-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномаларни ветеринария амалиётида қўлланиши натижасида сунъий пиретроидлар таъсиридан ҳайвонлар организмида юзага келадиган турли даражадаги заҳарланишларни олди олинишига ҳамда улар таъсиридан кейинги патологик жараёнларни самарали даволашга замин яратилди.

Эсфенвалерат пиретроидидан қуёнларнинг заҳарланишларини ва препарат таъсиридан репродуктив фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида гамавит, фоспренил ҳамда мексидол препаратларидан иборат воситаларни қўллашга асосланган самарали фармакопрофилактик даволаш усули Самарқанд вилоятининг Иштихон ҳамда Каттакўрғон туманлари фермер хўжаликларига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 26 июндаги 02/23-24-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу мажмуавий фармакопрофилактик даволаш усулини қўллаш орқали сарфланган 1 сўм харажатга 4,71 сўм иқтисодий самара олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтгазилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та, шундан ОАК эътирофидаги журналларда 3 та, хориж журналларида 4 та, республика журналларида 2 та, халқаро конференцияларда 2 та, республика миқёсидаги конференцияларда 2 та илмий иш чоп этилган. Олинган натижалар асосида 3 та тавсиянома амалиётга тадбиқ қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, «Замонавий пестицидларни қишлоқ хўжалик амалиётидаги аҳамияти» деб номланган биринчи қисмида пестицидларни тўғри ва самарали қўллаш, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши кимёвий воситалар ёрдамида курашиш, пестицидларни қўллаш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш, пиретроидларни нотўғри қўллаш оқибатида ҳайвонлар ва одамлар орасида ўткир ва сурункали захарланишларнинг юзага келиши ва бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. «Пестицидларни ножўя таъсирлари ва уларни олдини олиш чоралари» деб номланган иккинчи қисмида пиретроидларнинг ҳайвонлар организмига ҳамда репродуктив фаолиятига таъсири, ксенобиотиклар билан ҳайвонларда захарланишлар содир бўлганда асосан, маълум бўлган умумий даволаш усуллари яъни, захарни табиий зарарсизлантириш, симптоматик ва патогенетик даволаш ҳамда захарланишдан кейинги жароҳатлар ва захарланишларнинг олдини олиш чораларини ўрганишга оид Республикамиз ва хорижий олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «Пиретроидли препаратларнинг умумий таснифи ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи қисмида ҳамда «Эсфенвалерат препаратининг физико-кимёвий ва токсикологик хусусиятлари» деб номланган, тўртинчи қисмида бир қатор пиретроидларга ва шунингдек, эсфенвалерат препаратига токсикологик жиҳатдан таъсир хусусиятларига баҳо берилган. Ушбу ўрганилаётган пестицидларни ҳайвон наслининг туғилгандан кейинги ўсиш ва

ривожланишига салбий таъсир хусусиятлари тўғрисидаги адабиёт маълумотлари келтириб ўтилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида эсфенвалерат пиретроидини ҳайвонлар репродуктив фаолиятига таъсиридан юзага келадиган бузилишлар ва уларнинг олдини олиш, самарали зарарсизлантирувчи ҳамда организмни иммунобиологик чидамлилигини оширувчи фармакопрофилактик воситалар самарадорлигини ўрганишга қаратиш лозимлиги кўрсатилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария амалиётида қўлланилаётган пестицидларнинг умумий 82% ини сунъий пиретроидли препаратларнинг ташкил қилиши, ушбу гуруҳ кимёвий воситаларининг ўзига хос токсик хусусиятларини ҳар томонлама атрофлича илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим ва долзарб эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Хусусий текширишлар, тадқиқотлар объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган.

Асосий илмий тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институти «Фармакология, токсикология ва ветеринария санитария экспертизаси ва гигиена» кафедраси ҳамда Ветеринария илмий тадқиқот институтининг «Токсикология ва терапия» лабораторияси, Самарқанд шаҳар тиббиёт шифохонаси лабораторияси ҳамда Самарқанд вилоятидаги қуёнчилик фермер хўжаликларида 2017-2020 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилди.

Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида тадқиқотларимизда пестицид сифатида сунъий пиретроидлар гуруҳига мансуб бўлган эсфенвалерат препарати ишлатилди.

Тажрибаларда «Фармакология, токсикология ва ветеринария санитария экспертизаси ва гигиена» ва кейинги «Фармакология ва токсикология» кафедра лабораториясидаги 12 та (9 та урғочи ва 3 та эркак) оқ сичқонлардан, шунингдек, Иштихон тумани «Сухробжон Агро Голд» қуёнчилик фермер хўжалиги ҳамда Каттакўрғон туманидаги «Андоқсой олтин узумзори» фермер хўжалигига қарашли 73 бош оқ-кулранг улкан зотли (6-7 ойлик, шундан 18 боши урғочи) қуёнлардан фойдаланилди.

Тажрибалардаги оқ сичқонлар ва қуёнлар лаборатория шароитида озиклантириш ва сақлаш бўйича қабул қилинган талабларга мос равишда, ишлаб чиқариш шароитларида эса тажрибалардаги қуёнлар фермер хўжаликлари шароитида умум қабул қилинган меъёрларга асосланган ҳолда озиклантирилди ва сақланди.

Ўткир захарланиш эсфенвалерат препаратининг сувли эмульсиясидан қуёнларга бир марталик оғиз орқали ичга шприц ёрдамида 1 кг тирик вазнига нисбатан мг ҳисобидаги дозаларда берилиб аниқланди..

Лаборатория оқ сичқонлари репродуктив фаолиятига эсфенвалератни токсик таъсирини ўрганишда А.Р.Хаитов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган технологияларига мувофиқ пиретроид асосида тайёрланган 0,03% ли дуст шаклидаги инсектицид воситаси ҳар бир оқ сичқонларга ташқи томондан 5 г/бошга сепилиб таъсири ўрганилди.

Куёнлар репродуктив фаолиятига пиретроиднинг токсик таъсирини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотларда 5%ли эсфенвалератнинг 1:1000 нисбатда тайёрланган сувли эмульсиясидан ҳар бир бош куёнга 10 мл/кг дозада ташқи томондан қўлланган ҳолда аниқланди.

Эсфенвалератнинг куёнлар репродуктив фаолиятига сурункали таъсирини аниқлашда эса пиретроиднинг эмульсия шаклида уларнинг 1 кг озикасига нисбатан мг миқдоридан олиниб 1 ой давомида ҳар куни озикасига қўшиб бериш йўли билан амалга оширилди.

Эсфенвалератнинг қабул қилинадиган энг юқори қолдиқ миқдорларини аниқлаш мақсадида куёнлар озикасига пиретроиддан 0,25 ва 2,5 мг/кг миқдоридан 2 ой давомида кунига бир марта қўшиб бериш орқали аниқланди.

Ўрганилаётган пиретроиднинг куёнлар организми учун ўткир захарловчи миқдор кўрсаткичлари бир марталик оғиз орқали ичга юбориш йўли билан Миллер-Тайнтер пробит таҳлили ҳамда Б.М.Штабский ва бошқалар (1980) таҳлил усули ёрдамида аниқланди.

Эсфенвалератнинг куёнлар организмига захарлилик ва хавфлилик даражасини Л.И.Медведь ва бошқалар (1986) таснифи асосида баҳоланди.

Эсфенвалератдан захарланиб мажбурий сўйилган тажрибадаги куёнларнинг гўшти сифатини ветеринария санитария жиҳатидан баҳолаш Г. В. Калоболотский ва В. А. Макаровлар (1976) томонидан ишлаб чиқилган усули ёрдамида аниқланди.

Пиретроиднинг лаборатория шароитида оқ сичқонлар ва куёнларнинг репродуктив фаолияти онтогенезига бўлган таъсирини И.В.Саноцкий ва бошқалар (1978); С.Д.Заугольников ва бошқалар (1978); Н.И.Жаваронков (1978); А.А.Динерманлар (1980) томонларидан ишлаб чиқилган тавсияномаларга асосланган ҳолда ўрганилди.

Тадқиқотлардаги ҳайвонлар қон кўрсаткичларини аниқлаш автоматлашган гематологик ВК-6190 ҳамда ярим автоматлашган биокимёвий ВА-88А анализаторлар ёрдамида амалга оширилди.

Пиретроиднинг орган ва тўқималар таркибидаги қолдиқ миқдорларини аниқлашда суюқ газли хроматография, кимё токсикологик усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Эсфенвалерат таъсиридан юзага келиши мумкин бўлган захарланишларни бартараф этиш мақсадида АЛ-5 антидоти, даволаш мақсадида иммунитетни шакллантирувчи гамавит ва фоспренил препаратлари ҳамда оксидланишга қарши ва мембраналарни жароҳатланишини бартараф этувчи мексидол ва фаоллаштирилган кўмир препаратлари қўлланилиб улар самарадорлиги синаб кўрилди.

Тажрибалардаги санокли маълумотлар математик статистик таҳлил Стьюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида Microsoft Excel электрон жадвалида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Эсфенвалерат пиретроидини ҳайвонлар организми учун захарлилик ва хавфлилик даражаси**» деб номланган учинчи бобида сунъий пиретроид эсфенвалератнинг куёнлар организмидаги

заҳарлилик ва хавфлилик даражаси, токсикодинамикаси ва кинетикасининг ўзига хос таъсир хусусиятлари, пиретроиддан заҳарланиб мажбурий сўйилган куён гўштини ветеринария санитария жиҳатдан сифатини баҳолаш ва эсфенвалерат билан заҳарланган куёнларни даволашда бир қатор фармакотерапевтик воситалар самарадорлиги, пиретроиднинг оқ сичқонлар ва куёнларнинг репродуктив фаолияти онтогенезига таъсири ҳамда унинг ҳайвонлар озиқаси таркибидаги қолдиқ миқдорлари тўғрисида шунингдек, заҳарланишларда эртачи ташхис қўйиш ва уни фармакопрофилактик даволаш усуллари бўйича олинган илмий маълумотлар натижалари қайд қилиб ўтилган.


Ўтказилган тадқиқот тажрибаларидан олинган маълумотлар эсфенвалерат пиретроидини куёнлар организми учун оғиз орқали юборилганда унинг заҳарлилик даражасини юқори эканлигини кўрсатди. Куёнлар учун эсфенвалератнинг токсикометрик кўрсаткичлари асосий таъсир этувчи моддаси бўйича қуйидагича бўлди: ЎД₀- 180, ЎД₁₆-196, ЎД₅₀-360, ЎД₈₄-400 ва ЎД₁₀₀-780 мг/кг ни ташкил этди. Тажрибалардан олинган бундай маълумотлар пестицидларнинг заҳарлилик ва хавфлилик даражасини аниқлаш бўйича қабул қилинган Л.И.Медведь ва бошқалар (1986) халқаро таснифига мувофиқ, эсфенвалерат пиретроиди куёнлар организми учун ўрта заҳарли (ЎД₅₀-360 мг/кг) пестицидлар синфига мансуб эканлигини кўрсатди.

Таъкидлаш лозимки, эсфенвалератнинг токсикометрик кўрсаткичлари ўзига хос бўлиб, бошқа тадқиқотчилар натижаларига мос келмайди.

Эсфенвалератдан заҳарланган куёнлар организмидаги пиретроиднинг токсикодинамикасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан аниқланишича, эсфенвалератдан 196 мг/кг (ЎД₁₆) миқдорида юборилган тажрибадаги куёнларда заҳарланишнинг клиник белгилари асосан, аввал қисқа кўзғалиш, сўнгра эса ҳолсизланиш, сўлак оқиш, ич кетиш, тана мускулларида қалтироқ ҳамда ҳансираш каби белгилар билан содир бўлди. Кейинчалик эса, тана ҳароратининг пасайиши, ҳаракат координациясининг бузилиши ва фалажлик кузатилди. Тажрибадаги куёнлар орасида битта ўлим ҳолати дастлабки 48 соат мобайнида содир бўлди. Бундай заҳарланиш белгиларига қараб пиретроиднинг заҳарлилик даражасига баҳо берадиган бўлсак, эсфенвалерат бирданига таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган нейротроп заҳар эканлигини намоён қилди.

Эсфенвалератни ЎД₁₆ миқдорида ичга қабул қилган куёнларнинг гематологик кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган.


Эсфенвалерат пиретроиди билан заҳарланган куёнлар қонининг биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам бир қатор ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, қондаги эритроцитлар сони 18-26 % га ($P<0,05$), лейкоцитлар 12-15 % га ($P<0,05$) ва гемоглобин миқдори 16 % га ($P<0,05$) камайди. Шунингдек, пиретроид таъсиридан қон таркибидаги ацетилхолинэстераза фаоллиги дастлабки кўрсаткичларига нисбатан 13-37% га ($P<0,05$), аспартатаминотрансфераза (АсАт) ва аланинаминотрансфераза (АлАт) фаолликлари эса, мос равишда 1,7-1,3 мартага ошди.



1-расм. Эсфенвалерат препаратидан 196 мг/кг (ЎД₁₆) миқдоридан ичга қабул қилган қуёнлар қони кўрсаткичлари (X±Sx)

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ҳайвонлар иммун тизими фаолиятини ўрганиш организмда юзага келадиган турли хил касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлардан олинган маълумотлар 2- расмда келтирилган.



2-расм. Эсфенвалератдан захарланган қуёнлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари (ЎД₁₆ - 196 мг/кг) (X±Sx).


Қуёнлар қонининг иммунологик кўрсаткичларида периферик қондаги Т-лифоцитлар нисбий миқдорининг дастлабки ҳолатига нисбатан 20% га (P<0,05), мутлоқ миқдорининг 27 % га (P<0,05) камайиши кузатилди.

В-лимфоцитларнинг нисбий миқдори дастлабки ҳолатига нисбатан 146% га ($P < 0,05$), мутлоқ миқдори эса 135 % га ($P < 0,05$) ошди.


Нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги пиретроид таъсиридан дастлабки кўрсаткичларга нисбатан қарийб 2 мартага пасайди. Эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар иммун тизимига бўлган бундай таъсири натижасида, ушбу тизимни сусайишига олиб келади. Бундай таъсир натижасида ҳайвонларни турли хил юқумли ва инвазион касалликларга нисбатан берилувчанлигининг ошиб боришига олиб келади.

Эсфенвалерат пиретроидининг организмдаги токсикодинамик хусусиятларини аниқлаб олишда, ушбу препаратдан заҳарланиш натижасида ўлган ҳайвонларнинг ички орган ва тўқималаридаги патологоанатомик ўзгаришларига ҳам эътибор қаратилди. Шу сабабли ўтказилган тажрибаларимиз натижасида заҳарланиш оқибатида нобуд бўлган қуёнлар танаси ёриб кўрилиб, улар ички органларида содир бўлган патологоанатомик ўзгаришлар аниқланди.

Аниқланишича, асосий ўзгаришлар: бош мия, ўпка ва талоқда қон айланишининг бузилиши ҳамда шиш намоён бўлганлиги, жигарнинг қонга тўлганлиги ва катталашганлиги, ошқозон ва ичаклар шиллик қаватида катарал яллиғланишлар, буйракларнинг титилувчан ҳолатда эканлиги кузатилди (3-,4-расмлар).



3-расм. Эсфенвалерат билан заҳарланган қуён буйрагини микроскопик кўриниши. Каналчалараро капиллярларнинг турғунлик гиперемияси



4-расм. Эсфенвалерат билан заҳарланган қуён ингичка ичагининг микроскопик кўриниши. Ингичка ичак қон томирлари кенгайган, сўрғичларнинг бутунлиги бузилган, дистрофия ва яллиғланиш

Эсфенвалерат препарати қуёнлар организмга 196 мг/кг миқдорида юборилганда, заҳарланишнинг нейротоксик, гепатотоксик, мембранотоксик, холинэстераза фаоллигига қарши ҳамда иммун тизимини ҳолсизлантирувчи таъсирларини намоён қилган ҳолда, ундаги организмни бирданига заҳарловчи полетроп таъсир механизми мавжуд эканлиги аниқланди.

Биз томонимиздан эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар организмдаги токсикокинетикаси яъни, унинг организмга тушгандан сўнг орган ва тўқималарга тарқалиши, тўпланиши ҳамда организмдан чиқиб

кетиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқот тажрибаларимизда пиретроидни ичаклардан тезда қонга сўрилиши, сўнгра эса орган ва тўқималарга тарқалиши ва тўпланиши кузатилди. Бу кўрсаткичлар тажрибадаги заҳарланган қуёнларда 1, 7, 14, 21 ва 28-кунлар давомида аниқланиб борилди (1-жадвал).

Хусусан, эсфенвалерат пиретроиди жигар, ўпка, талоқ, буйраклар, юрак ва ёғ тўқималари, бош мия ҳамда юқори даражада ошқозонда тўпланиши аниқланди. Шунга мувофиқ ушбу орган ва тўқималарда тўпланган препаратнинг қолдиқ миқдор кўрсаткичлари қуйидаги кўринишда бўлди: энг кўп миқдор ошқозон массасида 46,6 мг/кг, ундан кейин жигар ва буйракларда 2,8 мг/кг ҳамда кам миқдорда бош мияда 0,9 мг/кг ни ташкил қилди.

Ушбу кўрсаткичлар пиретроид билан заҳарланишларни диагностика қилишда ҳамда токсикологик таҳлилларни ўтказишда фойдаланилади. Эсфенвалерат пиретроидининг қолдиқ миқдорларини тажрибадаги қуёнлар организмидан тўлиқ чиқиб кетиши заҳарланиш бошланганидан 28 кун ўтгандан сўнг содир бўлди.

1-жадвал

Эсфенвалерат пиретроидининг қуёнлар организмидagi элиминацияси (мг/кг)

Текширилган орган ва тўқималар	Текшириш ўтказилган кун				
	1	7	14	21	28
Жигар	2,8	1,4	0,26	0,1	қт
Ўпка	1,6	0,33	0,12	0,1	қт
Талоқ	2,6	1,30	0,7	0,2	қт
Буйраклар	2,8	0,28	0,1	изи бор	қт
Юрак тўқимаси	1,6	0,7	0,2	0,1	қт
Ёғ тўқимаси	1,1	2,3	1,2	0,28	қт
Бош мия	0,9	0,6	0,22	0,1	қт
Ошқозон массаси	46,6	0,1	қт	қт	қт

Эслатма: қт-қолдиғи топилмади, изи бор-0,1 мг/кг дан кам.

Ишлаб чиқариш шароитида пиретроидларни хусусан, эсфенвалератни нотўғри қўллаш оқибатида ҳайвонлар организмида турли шаклдаги заҳарланишларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда заҳарланиш натижасида мажбурий сўйилган ҳайвонлар гўшт маҳсулотларини истеъмолга яроқлилик даражасини аниқлаб бериш муаммоси юзага келади. Тажриба гуруҳидаги қуёнларни заҳарланишнинг (ЎД₁₆-196 мг/кг миқдор) турли кунларида мажбурий сўйиш орқали, улар гўшти сифатини ветеринария – санитария текширувидан ўтказдик.

Эсфенвалерат билан заҳарланган қуёнлар гўштининг сифатига ветеринария санитария жиҳатидан баҳо беришда, тажрибадаги қуёнларни эсфенвалерат билан заҳарланишининг 7, 14, 21, 28-кунларида мажбурий сўйилиб, гўштни органолептик текширишдан ўтказилди ҳамда улар таркибидаги пиретроиднинг қолдиқ миқдорлари аниқланди.

Аниқланишича, тажрибадаги эсфенвалерат билан заҳарланишининг 7-кунида сўйилгандаги қуёнлар гўштини органолептик текширилганда гўштнинг тўлиқ қонсизланмаганлиги, ҳидининг ёқимсиз эканлиги, гўштни қорамтир қизил тусдалиги, ташқи томондан ушлаб кўрилганда гўштни ёпишқоқ эканлиги аниқланди. Ушбу гўшздан намуна олиниб қайнатилганда, шўрвасини лойқасимон ва унинг юзасида кўплаб кўпиклар ҳосил бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Ичиб кўрилганда шўрваси ёқимсиз таъмга эга бўлиши аниқланди.

Тажриба бошланганидан 14 кун ўтганидан сўнг мажбурий сўйилган қуён гўштини органолептик кўрсаткичларида, гўшт юзасини қуруқлиги, оч қизғиш рангда, ҳиди эса қуёнлар гўшти ҳидига хос, кесиб кўрилганда гўштни яхши қонсизланганлиги аниқланди. Гўшт намунасида олиб қайнатганимизда, шўрваси тиниқ бўлиб, ёқимсиз ҳид айтарли сезилмади. Бироқ шўрваси юзасида кўпик ва йирик ёғ томчилари ҳосил бўлди. Пиретроиддан заҳарланган ва тажрибанинг турли даврларида мажбурий сўйилган қуён гўштининг биокимёвий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

Эсфенвалерат билан заҳарланган қуён гўштининг биокимёвий сифат кўрсаткичлари (ЎД₁₆-196 мг/кг)

Гуруҳлар	Заҳарланган дан кейин текширилди, кундан сўнг	Қуёнлар гўштининг биокимёвий кўрсаткичлари					
		рН	К. о.к.	А.а.а.	Реакциялар		
					бензидинли	формалинли	рангли оксидловчи
Тажриба	1	6,45	0,39	2,10	салбий	ижобий	ижобий
	3	6,39	0,34	1,82	салбий	ижобий	ижобий
	7	6,10	0,41	1,33	салбий	ижобий	шубхали
	14	5,90	0,43	0,89	ижобий	салбий	салбий
	21	5,88	0,49	0,86	ижобий	салбий	салбий
Назорат	-	5,80	0,46	0,87	ижобий	салбий	салбий
	-	5,5	0,42	0,96	ижобий	салбий	салбий

Пиретроиддан заҳарланган ва тажрибанинг турли даврларида мажбурий сўйилган қуён гўштининг биокимёвий кўрсаткичлари тажрибанинг 1 ва 7 кунларида назоратдагиларга нисбатан таққосланганда айрим сезиларли ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатди. Хусусан, гўшт таркибидаги водород ионлари концентрацияси (рН катталиги) 6,39-6,45; кислотали оксидланиш кўрсаткич даражаси 0,34-0,41 ва амин-амиакли азот сақланиши 1,33-2,1 мг ни ташкил қилган. Қуён гўштининг бензидинли намунаси салбий, формалинли ва рангли оксидловчи кўрсаткичлари эса ижобий, салбий ва шубхали бўлганлигини кўрсатди.

Тажриба бошлангандан 14 кун ўтганидан сўнг мажбурий сўйилган қуён гўштининг биокимёвий кўрсаткичлари, назоратдаги сўйилган қуён гўштлири кўрсаткичларига ўхшаш бўлди. Хусусан, рН катталиги 5,90; кислотали оксидланиш кўрсаткич даражаси 0,43 ва амин-амиакли азот сақланиши эса 0,89 мг дан иборат бўлди. Тажрибанинг 21 кунида мажбурий сўйилган қуён гўштининг биокимёвий кўрсаткичлари янги сўйилган қуён гўштига ўхшаш бўлганлиги аниқланди.

Эсфенвалерат билан заҳарланган қуёнларни гўштга сўйиш муддати заҳарланиш белгилари намоён бўлгандан сўнг 28 кун ўтгандан кейин сўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Пиретроидлар билан заҳарланишларни даволаш бўйича адабиёт маълумотларини ҳамда биз ўрганган эсфенвалерат препаратининг таъсир механизмидаги ўзига хос токсик таъсир хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш мақсадида, АЛ-5 антидоти, гамавит, мексидол ҳамда фаоллаштирилган кўмир препаратларини қўллашни тавсия этамиз.

